

**Айбдорнинг жиноий ҳаракатлари енгил моддага нотўғри қайта квалификация қилиниши оқибатида унга нисбатан қилмишига номувофиқ енгил жазо тайинланганлиги суд қарорларини бекор қилинишига сабаб бўлди.**

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2010 йил 29 апрелдаги ҳукмига асосан, С. Жиноят кодексининг 119-моддаси 4-қисми билан 15 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, Жиноят кодексининг 60,61-моддалари тартибида, жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2007 йил 24 декабрдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмаган 1 йил 11 ой 25 куни қисман қўшилиб, узил-кесил 15 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2010 йил 14 октябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилиб, С.нинг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 119-моддаси 4-қисмидан шу кодекснинг 129-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилиниб, С.га нисбатан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, Жиноят кодексининг 60,61-моддалари тартибида, жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2007 йил 24 декабрдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмаган 1 йил 11 ой 25 куни қисман қўшилиб, узил-кесил 5 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, С. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбли, деб топилган.

С. 2009 йил сентябрь ойи бошларида соат 23 ларда ўн тўрт ёшга тўлмаган, 1996 йилда туғилган вояга етмаган У.нинг ожизлигидан фойдаланиб жинсий эҳтиёжини ғайритабiiй усулда қондириш мақсадида, уяли телефон беришни айтиб, уни алдаб, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси,

23-уй, 70-хонадонга олиб келиб, унга нисбатан зўрлик ишлатиб, уни вояга етмаганлигини англаган ҳолда ота-онасига кечки пайти уни хонадонига бир неча марта рухсатсиз келганлигини айтиб бериши билан қўрқитиб, ўз жинсий эҳтиёжини ғайритабий усулда қондирган.

Ушбу жиноят иши бўйича суд иш ҳолатларини тўғри аниқлаган бўлса-да, бироқ кассация инстанцияси суди С.нинг жиноий ҳаракатларини қайта квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Олий суд Пленуми 2010 йил 29 октябрдаги **«Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг 2-бандида номусга тегиш деганда (Жиноят кодексининг 118-моддаси), аёл жинсидаги шахс билан унинг эркига қарши ёки эркидан ташқари зўрлик ишлатиб, қўрқитиб (бундан буён матнда таҳдид этиб) ёхуд жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, табий усулда жинсий алоқа қилиш тушунилиши лозим. Агар ўша ҳолатларда айбдорнинг ҳаракатлари жинсий эҳтиёжни ғайритабий усулда қондиришга қаратилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 119-моддаси билан квалификация қилиниши керак. Бунда қонуннинг мазкур моддаси билан жиноий жавобгарлик бундай ҳаракатлар аёл жинсидаги шахсга нисбатан ҳам, эркак жинсидаги шахсга нисбатан ҳам содир этилганда келиб чиқиши;

3-бандида номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабий усулда қондиришда зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчининг қаршилигини енгишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш, масалан, зарбалар бериш, нафас йўлларини сиқиш, оёқлари, қўлларини ушлаб туриш, кийимларини йиртиш ва ҳ.к.лар тушунилиши;

6-бандида ожиз аҳвол деганда, жабрланувчининг физиологик, жисмоний ёки руҳий ҳолати (жисмоний нуқсони, руҳияти бузилганлиги, жуда ёшлиги ёки кексалиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳушлик ҳолати, алкоголь, наркотик воси-

талар ёки психотроп моддалар таъсирида ўта мастлик ҳолати)га кўра, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш, айбдорга фаол қаршилик кўрсатиш ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатлар хусусияти ва моҳиятини тушуниш ёки ўз ҳаракатларини бошқариш имкониятига эга бўлмайди. Бунда айбдор жабрланувчи ожиз аҳволда эканлигини англаган бўлиши шартлиги;

Олий суд Пленуми 2002 йил 14 июндаги қарорининг 6-бандида қонун мазмунига кўра, ёш бола — деганда, 14 ёшга тўлмаган шахс тушунилиши кўрсатилган.

Иш бўйича Пленум қарорларининг ушбу тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Жабрланувчи У. дастлабки тергов даврида ва судда С. уяли телефон аппаратини бераман, деб алдаб, ўзи яшаётган уйига олиб бориб, уни устидаги кийимларини ечишни бошлаганлиги, унга қаршилик кўрсатганида, ота-онасига уларнинг рухсатсиз келганлиги ҳақида айтиши билан кўрқитганлиги, унга кучи етмаганлиги, қаршилик кўрсатганида эгнидаги футболкасини орқа томони йиртилиб кетганлиги, шундан сўнг С. унга зўрлик ишлатиб жинсий эҳтиёжини ғайритабий усулда қондирганлиги ҳақида бир хил кўрсатма бериб келган.

Дастлабки тергов даврида С. У.га уяли телефон аппаратини беришни айтиб, алдаб яшаётган хонадонига олиб келганлиги, шу ерда унга куч ишлатиб, кийимларини ечиб, жинсий эҳтиёжини ғайритабий усулда қондирганлиги, ўзи маст бўлганлиги сабабли ушбу ҳаракатларни содир этганлиги, қилмишига пушаймонлиги ҳақида кўрсатма берган

Ишдаги нарсани олиш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённомада, У.га тегишли футболканинг ўнг қўл енг қисмида 12 см узунликда йиртилиш аломатлари аниқланганлиги қайд қилинган.

Бироқ кассация инстанцияси суди иш бўйича барча ҳолатларга, яъни айбдорнинг қасди нимага қаратилганлигига ҳуқуқий баҳо бермаган, С. жабрланувчи У. нинг ўн тўрт ёшга тўлмаганлигини, яъни ожиз аҳволда эканлигини англаган ҳолда, уни кўрқитиб, зўрлик ишлатиб, унинг қаршилигини енгишга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириб, кийимларини йиртиб, жинсий эҳтиёжини ғайритабий усулда қондирганлиги ҳаракатларини Жиноят кодексининг 129-моддаси 2-қисми билан квалификация қилиш ҳақида барвақт хулосага келган.

Жиноят кодексининг 8-моддаси талабларига кўра, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлишлиги қайд этилган.

Ушбу иш бўйича қайд этилган қонун талабига риоя қилинмаган.

Кассация инстанцияси суди С.нинг жиной ҳаракатларини қайта квалификация қилишда хатога йўл қўйилганлиги оқибатида унинг содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси, айбдорнинг шахси, яъни бир неча маротаба судланиб, охириги жазосини ўтаётган даврида қасдан жиноят содир этганлиги, судда айбига иқроп бўлмаганлиги ҳолатларни эътиборсиз қолдириб, фақатгина жабрланувчининг ота-онаси кечирим берганлигини енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, адолатсиз енгил жазо тайинлаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 30 июндаги ажрими билан С.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2010 йил 14 октябрдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кассация инстанциясида кўриш учун юборилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судида жиноят иши янгидан кассация инстанциясида кўрилиб, С.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 2010 йил 29 апрелдаги ҳукми ўзгаришсиз қолдирилди.

***ЖСҲ-123-11-сонли ажрим***